СССР Давлат китоб палатаси
-2 1,297

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 12 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 87 (6983)

Da'vat

Эрталаб урнингдан туриб узингдан: «Нима иш қилишим керак?», кечқурун ётишдан олдин эса: «Нима иш қилдим?» дея сўра.

ПИФАГОР.

Ibrat

Чимбой туманидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалиги уз маблаги ҳисобидан Йулдош Охунбобоев номидаги 28-таянч мактаби учун 216 уринли янги бино қуриб, фойдаланишга топширди.

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Озодлик» ва «ВВС» радиостанциялари Ўзбек шўъбаси мухбирлари билан учрашиб, уларга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлар ва уларнинг самараси, одамлар тафаккурини ўзгартириш борасида қилинаётган ишлар хусусида батафсил сўзлаб берди.

● Лондонда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда бизнес қилинг» анъанавий йиллик конференцияда жаҳоннинг 35 мамлакатидан 300 дан ортиқ вакиллар иштирок этишди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бўлиб ўтган республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилнинг 4-чорагида накд пул эмиссияси даражаси кўрсаткичлари ва касса режаси тўғрисида»ги 1997 йил 3 октябрдаги қарорининг октябрь ойидаги ижроси ҳамда айрим корхона ва ташкилотларда иш ҳақи базавий фонди даражаси ҳамда валютани тартибга солишга доир масалалар муҳокама этилди.

● Хитой, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари вакилларининг Бишкекда бўлиб ўтган Шарқий Осиёни Марказий Осиё орқали Европа билан боғловчи темир йўл лойиҳасига бағишланган учрашувида Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки вакиллари ҳам иштирок этишди.

● АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг рафиқаси Хиллари Клинтон хонимнинг Россия Федерацияси ва Марказий Осиё мамлакатларига ташрифи бошланди.

● Афғонистон шимолидаги Мозори Шариф шаҳрида толибларга қарши кучлар ўртасида отишмалар юз бериб турган бир пайтда аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур дафн этилган Қобулдаги Боғи Бобурда тиклаш ишлари олиб борилаётганлиги тарафкашларни ўзаро муросага келишига чақирувчи бир тадбир бўлди.

● Чеченистонда одам ўғирлаш ҳамон давом этиб, Доғистоннинг Хасавюрт туманидан яна ўғирлаб кетилган уч киши билан уларнинг сони йигирматага етди.

РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ — АДОЛАТ НАЗОРАТИ 2-бет.

ШИФОБАХШ СУВ 4-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш, қадимда фан, маърифат ва маданият оламининг маркази ҳисобланган, одамзот тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш мақсадида:

1. Хоразм Маъмун Академияси — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими Хива шаҳрида ташкил этилсин.

Хоразм Маъмун Академиясининг асосий илмий ва ташкилий вазифалари қуйидагилар деб белгилансин:

— илм-фан соҳасидаги қадимги улуғ миллий мерос асосларида юқори интеллектуал муҳитни яратишдаги бой анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш, ёш истеъдодли олимларни излаб топиш, уларни Академия фаолиятига жалб этиш ва илмий ижодларининг самарадорлигини юксалтириш;

—қадимги миллий илм-фан соҳасидаги бой меросни ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиш, тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология ва биотехнология соҳаларида фундаментал изланишларни олиб бориш, замонавий илмий мактаблар яратиш ва фан ютуқларини амалиётга татбиқ этиш;

— минтақада илм-фан билан боғлиқ барча ишларни замон талаблари даражасида мувофиқлаштириш;

— олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;

— Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишда фаол иштирок этиш, узлуксиз таълим тизими ва фан ўртасидаги узвий, ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, академик лицейларда илмий-педагогик фаолиятни юқори савияда олиб бориш;

— халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (Т.Жўраев):

— Хоразм Маъмун Академияси таркибида тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт, биология йўналишлари бўйича илмий бўлинмаларни ташкил этсин, икки ҳафта муддатда Хоразм Маъмун Академиясининг тузилмаси ва Уставини тасдиқласин;

— бир ой муддатда Хоразм Маъмун Академиясининг асосий илмий йўналишлар ҳамда илмий-тадқиқот ишларининг дастурини ишлаб чиқсин;

— бир ой муддатда Молия вазирлиги билан биргаликда Хоразм Маъмун Академияси штат жадвалини, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда унинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларининг ҳисобини тайёрласин;

— 1998 йилнинг биринчи чорагида уз Уставига мувофиқ устивор илмий йўналишлар соҳасида самарали ишлаётган олимлардан Хоразм Маъмун Академияси таркибига сайлов утказсин.

3. Хоразм Маъмун Академиясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари (академиклари) икки нафарга купайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Ж.Сайфиддинов) Хоразм Маъмун Академияси илмий изланишлар ва илмий-ташкилий фаолиятни олиб бориши учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан тайёрланган сарф-харажатлар ҳисобига мувофиқ бюджетдан маблағ ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси (П.Ҳабибуллаев) 1998 ва кейинги йиллардаги Хоразм Маъмун академиясининг илмий изланишлар мавзуларини Давлат илмий-техникавий дастурлари таркибида режалаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Хоразм вилоят ҳокимлиги билан биргаликда Хоразм Маъмун академияси ва унинг бўлинмаларига истеъдодли ёш олимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилишни таъминласинлар.

7. Хоразм вилоят ҳокимлигига (И.Юсупов) бир ой муддатда Хоразм Маъмун Академияси учун маъмурий бино ажратиш, уни таъмирлаш, транспорт, алоқа ва бошқа зарур жиҳозлар ҳамда вилоятга таклиф этилган илмий ходимларни уй-жой билан таъминлаш юклатилсин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил 11 ноябрь.

БОШҚАРМАДА СЕМИНАР

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим бош бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари умумтаълим мактаблари бўлими бошлиқлари билан семинар ўтказди. Семинарни халқ таълим вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов бошқарди.

Семинарда умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасининг 1-босқичи мактабларда бўлиб ўтганлиги, энди унинг туман ва шаҳар марказларида ўтадиган II босқичига тайёргарликнинг бориши ҳақида маълумотлар олинди. Ўтган йили олимпиадани ташкил қилишда наманганликларнинг ижобий ёндошуви натижасида ўз ўқувчиларининг Республика олимпиадасида муваффақиятли натижаларга эришганлиги, бу борада Фарғона вилояти ўқувчилари кўрсаттичининг паст бўлганлигини вилоятда олимпиада ўтказилишига сусткашлик билан қараганликнинг оқибатини кўрсатди. Шу боис мактаб туман ва шаҳарларда ўқувчилар олимпиадасининг ўз вақтида ўтказилиши ҳамда уларда ўқувчилар иштирокини қўлайтириш самарали натижа бериши таъкидланди.

Ушбу семинарда ўқув дарсликларининг мактабларга етиб бориш аҳволи хусусида ҳам сўз юритилди. Ҳар бир мактаб берган, ўзига зарур бўлган дарсликлар сўровномаси бўйича уларнинг жойларга вақтида етиб боришини қатъий назорат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда газета ва журналларга обуна бўлиш масаласи бўйича олиб борилаётган ишлар, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўйича ўқув муассасаларида ишлаб чиқилган тадбирлар ҳақида, янги турдаги ўқув муассасаларидаги таълим-тарбия ишлари, битирувчиларнинг олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқишни давом эттириш аҳволи, уларнинг янги талабларга мувофиқ келгуси режалари, Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлик лицейларидаги таълим-тарбия ишларининг аҳволи, аттестация натижаларида кўрсатилган камчиликларни тузатиш бўйича олиб борилган ишлар хусусида ҳам атрофлича гаплашиб олинди.

Н. ЎКТАМ ўғли.

Maktabgacha ta'lim

ИЛК БОСҚИЧ

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўқкизинчи сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» «Мактабгача таълим» бўлими билан бошланади. Бу умумий таълим тизимининг биринчи босқичи сифатида бола шахсига, келажакда унинг мактабда самарали билим олишини таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганининг ифодасидир.

Мактабгача таълимдаги кўпгина ўзгаришлар ўзининг ижобий натижаларини намойиш қилаётир. «Мактабгача таълим тизимининг ривожланиши» концепцияси ҳамда болалар боғчаларида кўп йилдан буён жорий этилаётган таълим-тарбиянинг ҳудудий дастури ишлаб чиқилди. Ҳозирги пайтда Узбекистон шароитида амалда жорий этилиши ҳисобга олинган мактабгача таълим стандартлари тузилди. Болаларнинг қобилияти ва имконияти ҳамда ота-оналарнинг талаблари инобатга олинган ҳолда йўналишлари бўйича кўп тармоқли мактабгача таълим-тарбия муассасаларининг янги, ноанъанавий турлари ташкил этилмоқда. Жумладан, «Болалар боғчаси — бошланғич мактаб» каби комплекслар, оилавий турдаги кичик болалар боғчаларининг турли шакллари фаолият кўрсата бошлади. Болаларнинг қизиқишига кура боғча қошида ҳар хил марказлар ташкил этилаётир.

Муаллифлик дастурларини синаш мақсадида айрим болалар боғчаларида тажриба майдончалари ташкил этилди. Уларда тарбияланувчилар билан ишлашнинг алоҳида ўзига хос шакл ва усуллари бола фикр доирасининг ривожланиши, ижодкорлиги ва мустақиллиги ҳисобга олинган ҳолда татбиқ этилмоқда.

Мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш нафақат болалар боғчаларида болалар ҳаёти ва фаолиятини, ўқув-тарбия жараёнларини демократлаштиришга кенг шароит яратишни, балки ҳар бир болада шахсий маданият жамланмасини шакллантиришни таъминлаш мақсадида ўқув-тарбия ишлари мазмунини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Булар боланинг жамиятга, атрофидаги катталар, тенгдошлар, ўзидан кичикларга, нарсалар ва инсон меҳнати натижаларига, табиатга ва ўз-ўзига муносабатда ўз аксини топмоғи керак.

Жорий йилда мактабгача таълим-тарбия муассасалари болаларга таълим ва тарбия беришнинг янги таянч дастурини яратиш мақсадида муаллифлик дастури учун танлов эълон қилинган эди. Ҳозирга қадар ХТВга келган 12 та муаллифлик дастури ўрганиш учун эксперт ҳайъатига тақдим этилди. Яқин кунларда танлов ғолиблари аниқланади.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ижобий ишларга нисбатан кўпроқ ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Аввало, болалар боғчалари тармоқлари ва улардаги болалар сонининг қисқариш ҳолатлари ташвишлантирмоқда. Ҳудудлар бўйича боғча ёшидаги болаларнинг умумий сонига нисбатан кичкинтойларни болалар боғчаларига қамраб олиш фоизи сезиларли пасайиб кетган.

Бозор муносабатига ўтиш шароитида кўпгина корхона ва ташкилотлар ўз тасарруфидаги мактабгача муассасаларни таъминлай олмаяпти. Шу сабабли ёпилаётган боғчаларнинг асосий қисми корхона ва ташкилотларга қарашлидир. Бу уринда ҳукуматнинг корхона ва ташкилотларга қарашли мактабгача муассаса-

(Давоми 2-бетда).

Ta'lim istiqboli

ТУМАНДА НЕЧТА КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ БЎЛАДИ?

Янги ўқув йили халқ таълими соҳасида таълим тизимини тубдан ўзгартириб, уни аниқ бир йўналишга буриш саъй-ҳаракатлари билан бошланди. Шу боис, яқинда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиқадиган асосий мақсад ва вазифаларга доир республикамизда илк қадамлар қўйилмоқда. Жойлардаги вилоят халқ таълими бошқармасининг туман ва шаҳар бўлимларида бугунги кунда бу борадаги ишлар қизғин кечаётир.

Ушбу жараёнда халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда маҳаллий ҳокимият органлари, туман, шаҳар меҳнат биржалари, истиқболни белгилаш қўмитаси ҳудудий бўлимлари вакилларининг ҳам астойдил меҳнат қилишаётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Юқорида қайд қилинган Қонун ҳужжатларининг талаблари асосида ўрта махсус ва касб-ҳунар йўналишида жойларда қилинаётган дастлабки қадамларни билиш мақсадида биз Тошкент вилояти Қибрай тумани халқ таълими бўлимида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

— Авваламбор, туманимизнинг маъмурий-ҳудудий харитаси тайёрланди ва ушбу харитага асосланиб туман 12 ҳудудга бўлинди, — деди туман ХТБ мудири Усмонали Мусаев. — Тумандаги 47 та мактаб ва бир ўқув маркази ўз манзилгоҳи бўйича ана шу ҳудудларга бириктирилди.

Ҳозирги пайтда мактаблар биноси, қурилган йили, ўқувчиларни жойлаштириш қуввати, бугунги ўқувчилар сони, ошхонадаги ўринларни инобатга олиб, ҳар бир мактаб янги таълим тизимининг қайси босқичида қолиши, уларнинг йўналиши (академик ёки касб-ҳунар) ва бунга асос бўладиган омилларни ўрганмоқдамиз.

Бугунга келиб тумандаги мактабларнинг 23 таси III босқич, яъни академик ва касб-ҳунар йўналиши бўйича, 20 таси II босқичи таянч мактаб, 3 таси I босқичи бошланғич таълим ва махсус мактаб бўлиб қолиши кўзда тутилмоқда.

III босқичдаги 23 та мактабнинг 13 таси академик, 8 таси касб-ҳунар йўналишлари ва иккита мактаб чекка ҳудудда жойлашгани сабабли ҳамда у ердаги шароитнинг мавжудлиги ва ўқувчилар сони ҳисобга олиниб ҳар иккала йўналиш бўйича фаолият кўрсата бошлайди. Булар Гулистон қишлоғидаги 1042 ўқувчиси бор 33-ва Қурилиш маҳалласидаги 1202 ўқувчиси бор 39-мактаблардир.

Ўқувчилар сонининг камлиги ва қўшни мактабларнинг яқин жойлашгани эътиборга олиниб, «Маданият» жамоа хўжалигидаги 32-мактаб, Лимончилик ва Бирлик маҳаллаларидаги 46-, 47-мактаблар I-босқич бошланғич таълим мактаби, Салор қишлоғидаги 42-мактаб эса (полиамит) суяк касаллиги билан оғриган болалар учун махсус мактаб бўлиб қолади.

Туман ХТБ мудири Усмонали Мусаев билан суҳбат чоғида биз ҳозирги кунда туманда аҳоли сони 150 мингни, шу жумладан 57157 киши 16 ёшгача бўлган ёшларни ташкил қилишини билдик. Туман мактабларида 23669 ўқувчи жойи мавжуд бўлгани билан, бугун бу ерда 28237 ўқувчи таълим олмоқда. Ҳунар-техника ва ўрта махсус билим юртларида

(Давоми 2-бетда).

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета

Нашр индекси

Ма'рифат

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

(Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

Ма'рифат

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Ҳурматли мушторийлар!

«МАЪРИФАТ»га 1998 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:
Якка обуначилар учун — 149
Ташкилотлар учун — 150.

Obuna-98

«МАЪРИФАТ» — ҲАМКОРИМИЗ

Ҳурмат, эъзозга эга бўлган муаллим ўз маънавий озуқаси ҳисобланган вақтли матбуот нашрларига обуна бўлмаса ютқазади. «Маърифат» бизга дўст, ҳамкор, маслаҳатгўй. Бу газетани ўқиб бормаган муаллимларни мен ҳақиқий педагог деб ҳисобламайман. Чунки ўсиб келаётган ҳозирги замон ёшларига аввало кундалик ўзгаришларни (ахборотни), сўнг бошқа янгиликларни бериб бориш зарур. Бу янгиликларни фақат матбуот орқали билиб олиш мумкин. Маълумки, бу йилдан бошлаб мактаб тизимида ўзгариш юз берди. Эндиликда бугунги таълим тизими ҳақидаги мулоҳазалар янада кенгайиб бориши керак. Бу ўринда янги-янги рукнлар вужудга келади, деб ўйлаймиз.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

МММ

ХАБАРЛАРИ

ЁШ СУХАНДОНЛАР САНЪАТИ

Юнусобод тумани қўшимча таълим комплекси жамоаси ажойиб танлов ўтказди. «Сухандон-97» деб номланган ушбу тадбирда тумандаги иқтидорли, санъатсевар ўқувчилар иштирок этдилар. Танлов иштирокчилари, актёрлик маҳоратларини намойиш қилдилар. Айниқса, интервью олиш, ҳажвий монолог, аския айтиш, ҳазилкашлар танлови, ифодали ўқиш шартлари кўпчилик томонидан маҳорат билан ижро этилгани ҳайъат аъзоларини қувонтирди. Танловда С. Ёдгоров (9-мактаб), Д. Охунжонова (274-мактаб), Э. Асатианн (98-мактаб), А. Златин (220-мактаб), С. Абдуллаева (96-мактаб)лар фахрли ўринларни эгаллаб, «Фахрий ёрлиқ» билан тақдирландилар.

М. ВАЛИЕВА.

YANGI QONUN AMALDA

Respublika Ta'lim markazida o'zbek adabiyoti bo'yicha ilmiy-metodik kengashning navbatdagi yig'ilishi bo'lib o'tdi. Professor Umarali Normatov boshchiligidagi kengash a'zolari «Ta'lim tog'risida»gi Qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dastur» asosida amaldagi dastur, darslik va qo'llanmalarni takomillashtirish masalalarini ko'rib chiqdilar. Qonunga ko'ra akademik lisey va hunar kollejlari, ya'ni 1, 2, 3-bosqichlar uchun alohida-alohida dasturlar yaratish kerak. Kengash a'zolari bu dasturni tuzish bo'yicha mualliflar guruhini tasdiqlab oldilar.

M. VALIYEVA.

МММ

ХАБАРЛАРИ

КАТТАЛАРНИНГ ҲАВАСИ КЕЛДИ

Ғиждувон туманидаги 7-умумтаълим мактабида тил ва адабиёт фани байрами бўлиб ўтди. Ўзига хос руҳда ўтган ушбу тадбирни мактабнинг шу фан ўқитувчилари Н. Муҳаммедова, Ш. Очиловалар ташкил этишди. Кечада мактабнинг барча синфлари қатнашган бўлсада, улар орасида 5-синф ўқувчилари алоҳида ажралиб туришди. Сабаби улар ижро этган куй ва қўшиқлар, шеърий парчалар бошқа синф ўқувчиларини-да ҳавасини келтирди.

Н. ГУЛМУРОДОВ.

ИЛК БОСҚИЧ

(Боши 1-бетда).

ларни маҳаллий органлар ҳимоясига ўтказиш ҳақидаги қарор ўз вақтида чиққанлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Боғча болалари учун тўлов ҳақининг юқори бўлиши мактабгача муассасалар контингентининг пасайиши сабабларидан биридир. Афтидан, реал даромад, оиланинг моддий аҳволи ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда тўловнинг дифференциал шаклини қўллаш даври келган кўринади.

Мактабгача таълим-тарбия муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш масаласи ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир. Кўпгина боғча бинолари капитал таъмирлашни, эскирган жиҳозлар, хўжалик ишлари ва жисмоний тарбияга оид ускуналарнинг янгиланишини талаб этади. Боғчаларда ўйинчоқлар, болалар билан машғулот ўтказиш учун қўлланма ва бошқа материаллар етишмайди. Тарбиячилар асосан ўзлари тайёрлаган ўйин ва ўйинчоқлардан фойдаланадилар. Бу, албатта, таҳсинга лойиқ. Бироқ бундай қўлда ясалган ўйинчоқлар қупга чидамаслиги билан бирга эстетик жиҳатдан ночор. Шунингдек, уларни тайёрлаш жараёни ҳам тарбиячиларнинг кўп вақтини олади. Сунгги учтўрт йил мобайнида ўйинчоқ ва қўлланмалар харид қилиш учун болалар боғчаларига маблағ мутлақо ажратилмаяпти. Устига-устак уларни сотиб оладиган жойнинг ўзи йўқ. Маҳаллий саноат уларни ишлаб чиқармайди. Хориждан келтирилган ўйинчоқларни харид қилишга боғчанинг қурби етмайди. Келажаги буюк давлатни яратувчи инсонни тарбиялаш ва ўқитиш учун кўп нарса керак. Болаларнинг буйига мос, ихчам ва қуркам мебеллар, техник, механик ҳамда электрон ўйинчоқлар, турли хил конструкторлик жамланмалар шулар жумласидандир. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун яхшиси мослаштирилган қўшма корхона — фабрика очиш мақсадга мувофиқдир. Унда мактабгача муассасаларни болалар мебеллари, жисмоний тарбияга оид жиҳозлар, шунингдек болалар ўйинчоқлари, қўлланмалар, турли хил ёшдаги болалар учун конструктор моделлари, компьютер синфлари, жонли табиат хоналари, турли студия ва бошқаларни жиҳозлаш учун ҳар хил тўпламлар билан таъминлаш кўзда тутилади.

Болаларнинг соғлиги ва физиологик ривожланишида овқатланиш асосий омиллардан ҳисобланади. Шундай экан, мактабгача таълим-тарбия муассасаларида болаларни озиқ-овқат билан таъминлаш қониқарли даражада ташкил этилмаган. Белгиланган миқдорга, озиқовқат маҳсулотларининг хилма-хиллиги, сифатига эътибор берилмайди. Шу боис болалар боғчаларида овқатланишнинг муқобил (альтернатив) шаклини танлаш зарурати сезилмоқда. Ҳудудларда ошхоналар комплекси барпо этиш ва тайёр маҳсулотлар келтириш, ота-оналар билан келишилган ҳолда бозор ва бошқа жойлардан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишни йўлга қўйиш лозим. Болалар боғчалари кўп бўлган, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда эса уларни ҳамда мактабларни ярим тайёр озиқовқат маҳсулотлари билан таъминловчи ошхона-фабрикалар қуриш жоиздир.

Ниҳоят, ечимини кутаётган сўнгги масала хусусида. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, истиқбол режада мактабгача таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган педагогик ва бошқа тоифадаги кадрларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаси турибди. Мактабгача муассасалар раҳбарлари, тарбиячилар малака оширишга интилишлари керак. Бунинг учун эса уларда рағбат бўлиши лозим.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши халқ таълимини ислоҳ қилиш ва бу борадаги муаммоларнинг ҳал этилишини, шубҳасиз, таъминлайди.

Ҳамида АҲМЕДОВА,
Республика Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи.

Taqriz

МАЪНАВИЯТ САБОҒИ

Ҳали тонг отмасдан, қушчаларнинг ҳаётбахш чуғурчуғури буткул оламни тутмасдан рўмолини секин тушириб, ўзгача бир ибо билан атрофга назар ташлаётган қиздек ийманибгина юз очаётган ғунчанинг устида нима кўргансиз? Шабнам! Топдингиз. Шабнам нақадар бокира бўлади-эй!

Шу жиҳатдан маънавиятни шабнамга қиёсласа бўлади. Маънавият бу узлик. Маънавият тарих, маънавият иймон-эътиқод. Маънавият муҳим вазифа ва муқаддас бурчдир. Унинг қирралари кўп. Узлигини англаб етган киши ота-боболари ким эканлигини яхши билади. Бундай инсоннинг иймони, эътиқоди баркамол бўлади. У билмаганни билмоққа интилишни, ўрганганларини ўргатмоқни эса муқаддас бурч деб ҳис қилади. Маънавиятли кишининг қўлидан номақбул ишлар келмас ва кимгадир ёмонликни соғинмайди ҳам. Балки у ўтмиш, бугун, келажак олдида ҳамиша ўзини қарздор деб билади. Энг асосийси, комил инсонларнинг қалбида Оллоҳ бўлади. Аслида ҳам маънавиятсиз инсон Ҳақни қандай изласин?! У Ҳақ нима-ю, ноҳақ нима эканлигини қаердан ҳам биларди?

Ҳазрат Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асарида қуйдаги мазмунда бир ҳикоятида шундай воқеа келтирилади: Мажнун жуда қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Табиблар ҳар қанча муолажа қилмасинлар, ҳеч бир наф сезилмайди. Кейинчалик Мажнуннинг оғир аҳволидан Лайлини бохабар этадилар. Лайли унга мактуб жўнатади. Бу вақтда Мажнун ўлган эди. Лайлининг мактубини такрор-такрор ўқишлари сабаб бўлиб Мажнун қайта кўзини очади. Лайлининг мактубига ўхшайди илм. Илмлилик эса кишининг маънавиятини белгилайдиган энг юксак омилдир.

«Маънавият қалбим қуёши» номли иншолар тўпламини варақлар эканман, кўнглимдан кечганлари шу бўлди. Бу тўпламни Узбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармондан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан талабалар ўртасида ўтказилган «Маънавият қалбим қуёши» иншолар танловининг самараси дейиш мумкин. Дарҳақиқат, энг сара иншоларгина китобга киритилган.

Тошкент давлат университети талабаси Гулзебо Иброхимованинг иншоси анча диққатга сазовор. У маънавият тўғрисидаги одатий гапларни қайтармайди. Балки ўз фикрларини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб беради. С. Раҳимов тумани, Қора қамиш даҳасига қарашли Бозор Пулатов номидаги пансионатда яшовчи отахон-онахонлар билан бўлган суҳбат кўнгилнинг оғриқ тўла саҳифаларини ларзага келтиради. Албатта, бу каби мисоллар билан иншо ёзилишига юртбошимиз И. А. Каримовнинг «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ва аждодлар ўгити билан бирга сингади» деган сўзлари илҳом бағишлаган бўлса, не ажаб. Мазкур иншода муаллифнинг отасига ёзган мактуби ҳам ўрин олган. Мана, ундан қисқа иқтибос: «Отажон, дуои салом билан сизга нома йўллаяпман. Мана, юрагимнинг тубтубидан чиқаётган фарзандлик меҳри «отажон» деб шивирлаяпти. Ота, сизни ўйласам қалбим хотиржамликка чекинади. Илло, сизнинг сиймонгизни кўрмоқликнинг ўзи улуғ сабоқ. Сабру қаноатингиз ибратдир...

...Зеро, Қуръони Каримда шундай оятлар бор: «Парвардигорим, ота-онам мени ёшлигимдан тарбиялаб ўстирганлари каби сен ҳам уларга меҳрибонлик кўрсаттин деб ҳақларига дуо қил»...

Мен ҳам шундай дуо қиламан... Ҳар бир лаҳзангиз ҳайит куни бўлсин. Қизингиз».

Аслида ҳам ота-онага бўлган чексиз ҳурмат, эҳтиром, умр бўйи уларнинг хизматини қилиш маънавиятдан нишона эмасми?

Тошкент қурилиш коллежидан Ж. Тоғаев, Урганч тиббиёт билим юртидан М. Қозоқова, Самарқанд давлат университетидан В. Луқмонов каби талабаларнинг иншолари ҳам чуқур ўйлар, мушоҳада билан ёзилган. Тошкент давлат техника университети талабаси О. Бикеев, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси О. Ведерниковалар ўз иншоларини ўзбек тилида, теран фикрлаб ёзганликлари, айниқса қувонарлидир.

Умуман, иншолар тўпламини ўқиган киши шу нарсага амин бўлади. Маънавият об-ҳаётдирки, у қалбларнинг тириклиги, усиз кўнгил ухлоқдир. Сўзимиз интиҳосида пири комил Мавлавий (Жалолиддин Румий)нинг ушбу мисраларини яна бир карра ёдга солмоқчимиз: «Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил».

Ғайрат МАЖИД.

Хориж тўлқинларида

Хитой Президенти Цзян Цзэмин ва Хитойга ташриф буюрган Руссия Президенти Борис Ельцин бир аср давом этган чегара масаласини ҳал қилишга қаратилган шартномани Пекиннинг Буюк Халқ залида ўтказилган тантанали маросимда имзолашган.

***

Ғарбий қирғоқ ва Ғазо секторида юзлаб фаластинликлар Ироқ билан Жаҳон ташкилоти ҳамда АҚШ ўртасида содир бўлган сўнгги кескинлик юзасидан намойиш ўтказиб, Ироқни ҳимоя қилишган. Тақрибан беш юз намойишчи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакилининг Ғазо секторидаги идораси олдига бориб Жаҳон ташкилотининг Бағдодга қарши қўйган санкциялари бекор этилиши учун чақириққа бўлишган.

«Америка овози» радиоси (Вашингтон).

***

Ироқнинг айтишича, Америка Қўшма Штатлари Ироқ ҳудудига «ЮТУ» жосуслик тайёралари юборишни қайта бошлаган. Ушбу ҳаракатлар БМТнинг Ироқ қуролсизланишини назорат қилиш барномасининг таркибий қисмидир. Лекин Ироқ бу тайёраларни уриб тушира бошлашиши айтган. Бағдоднинг айтишича, жосуслик тайёралари Ироқ ҳудудига Саудия Арабистонидан кириб, уч соатдан сўнг қайтиб кетишган. Лекин тайёралар Ироқ мудофаа тизими етиши мумкин бўлган масофадан юқорироқда бўлишган.

***

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш «Амнести интернешнл» ташкилотининг маълум қилишича, Япония қамоқхоналарида инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳоллари кенг тарқалган ва у доимий муаммога айланган. Ташкилот ҳисобида айтилишича, ҳуқуқлар бузилиш ҳоллари бошпана сўраган ёки визасиз тутилган маҳбуслар, жиноятчилар ва маҳкама бошланишини кутган маҳбусларга нисбатан ҳам учрайди. Ҳисобот Япония ҳукумати номига юборилган, лекин расмийлар томонидан бирор жавоб олишмаган.

«ВВС» (Лондон)

Tajriba, sinov, natija

РЕЙТИНГ НАЗОРАТИ — АДОЛАТ НАЗОРАТИ

Уқув жараёнининг самарадорлигини ошириш кўп қиррали вазифа бўлиб, у ўз ичига олий таълим тизимини замон талабларига мослаштиришни, ўқув режалар ва дастурларни республикамизда жорий этилаётган кўп босқичли таълим тизими талаблари асосида ишлаб чиқишни ва талабалар ўзлаштиришини доимо назорат қилишни, ўқув жараёнини ташкил қилишни такомиллаштиришни қамраб олади. Бир қатор техника олий ўқув юртлари тажрибасидан келиб чиқиб таклиф қилинаётган рейтинг назорат тизимида, талабалар билимини баҳолашга бериладиган баллар қиймати, (максимал балл), ушбу мутахассислик учун давлат томонидан тасдиқланган ўқув режаларида келтирилган фанларга ажратилган, ўқув-тажриба иши, амалий машғулот, курс ва диплом лойиҳаларига (давлат имтиҳонларига) кўрсатилган соатларга тенг деб қабул қилинган. Ҳар бир фандан эгалланадиган рейтинг баллари — ўқув машғулотлар турига (маъруза, амалий, тажриба, курс иши, курс лойиҳа, семинар ва бошқалар) ва уларга ажратилган дарс соатлари улушига қараб тегишли назорат тури орқали амалга оширилади.

Талабаларнинг ҳар бир фандан ўзлаштиришини назорат қилиш ва баҳолаш учун қуйидаги назорат турлари таклиф қилинади:

— жорий назорат — ЖН;
— чегаравий назорат — ЧН;
— оралиқ назорат — ОН;
— якуний назорат — ЯН.

Ҳар бир фанга ажратилган амалий машғулотлардан, тажриба дарслардан эгаллаган билимларни, курс иши (лойиҳа) бўлакларини ўз вақтида бажаришни назорат қилиш ва баҳолаш жорий назорат (ЖН) даврида, яъни ушбу фанни ўқитиш даври учун тузилган дарс жадвали бўйича юқорида келтирилган ўқув машғулотларига ажратилган соатларда ўтказилади, ЖН даврида йиғилган балларнинг максимал қиймати ушбу машғулотлар дарс соатига тенг бўлиши керак.

Ҳар бир фанга ажратилган маъруза лар бўйича эгалланган назарий билимни назорат қилиш ва баҳолаш чегаравий назорат (ЧН) даврида ўтказилади. Шу сабабли, ўқитиш даври (семестр, курс) бир неча бўлаклар (чегараларга) бўлинади ва сони олий ўқув юртлари томонидан белгиланади. Ҳар бир бўлак охирида ушбу фаннинг бир ёки бир неча мавзулардан эгалланган билим, тест саволлари (назорат иши, савол-жавоб, реферат ёзиш) орқали назорат қилинади ва баҳоланади. ЧН даврида эгалланган максимал балл ушбу бўлакда (чегарагача) ўқитилган маърузалар соатига тенг бўлади. ЧН ўтказиш ўқиш жараёнини бўлмасдан, дарслардан ташқари даврларда ёки махсус ажратилган ҳафта ичида ўтказилиши мумкин. Лекин, рейтинг назорат тизими натижаларини тезкор таҳлил қилиш ва ягона ёндошиш учун алоҳида ҳафта ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фаннинг маълум бир ёки бир неча мавзуларидан эгалланган билимларини таҳлил қилиш, ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш, иқтидорли талабаларни рағбатлантириш, қолоқ талабаларга чоралар кўриш учун оралиқ назорат (ОН) ўтказилади. Доимо ўз устида ишловчи, мунтазам машғулотларга қатнашувчи ва берилган вазифаларни ўз вақтида бажарувчи талабалар учун Оралиқ назорат, ЖН ва ЧН даврида йиғилган баллар йиғиндисидир.

Талабанинг алоҳида фан бўйича тўла ёки қисман (семестр давомида) ўзлаштиришини баҳолаш учун якуний назорат (ЯН) ўтказилади. Юқорида кўрсатганимиздек, ўз вақтида вазифаларни бажарувчи, машғулотларга тўла қатнашувчи ва ОНларда қониқарли балларга эришган талабалар учун ЯН, ОНлар йиғиндиси бўлади.

Тажриба шуни кўрсатадики, айрим талабалар, ҳар хил сабаблар билан жорий назорат, чегаравий назорат даврларида етарли баллар йиғолмайдилар ёки тўплаган баллари уларни қониқтирмайди. Биринчи гуруҳ талабалар учун, якуний назорат қуйидаги кўринишда ўтказилиши мумкин:

— жорий назорат давридаги балларни кафедра томонидан белгиланган жадвалга асосан, қолдирилган ўқув машғулотларини қайтадан ёки дарсдан ташқари вақтида бажариб, йиғиш;

— чегаравий назорат давридаги балларни (маърузалар бўйича) кейинги чегаравий ёки якуний назорат даврида тест орқали йиғиш. Ушбу тадбирдан сўнг ушбу гуруҳ талабалари учун якуний назорат — қайтадан йиғилган оралиқ назорат баллари йиғиндиси ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ талабаларига якуний назорат кафедранинг махсус қарори билан тегишли вақтда барча назарий ва амалий машғулотларни қамраб олган саволлари тест ёки бошқа турда баҳолаш усуллари орқали йиғилади. Ушбу ҳолда барча чегаравий назорат даврида йиғилган баллар ҳисобга олинмайди.

Ушбу талабларни қондириш учун Якуний назоратга махсус ҳафта ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида келтирилган рейтинг назорат тизимини тадбиқ қилишни бир фан мисолида кўриб чиқамиз.

2-ЖАДВАЛ.

NN	Фамилияси, исми, отасининг исми	ОН1 балл	ОН1 имзо	ОН2 балл	ОН2 имзо	ОН3 балл	ОН3 имзо	ЯН балл	ЯН фоиз	ЯН имзо

Кафедра мудири _____ Факультет декани _____

«_____»
фанидан назоратлар ўтказиш графиги

Ушбу фанга ажратилган соат—85
Ушбу фаннинг максимал рейтинг бали — 85
шу жумладан: маъруза —51
шу жумладан: маърузалар бўйича — 51
тажриба машғулот — 17
тажриба машғулот бўйича — 17
курс иши — 17
курс иши (лойиҳа) — 17

Назорат ўтказувчи ўқитувчилар: маърузалар бўйича (ОН ва ЯН) — амалий ва тажриба дарслар бўйича (ЖН) (1-жадвалга қаранг)

Эслатма:

ЖН — жорий назорат — амалий, тажриба ва курс иши (лойиҳа) бўлакларидан тўпланган баллар

ЧН — чегаравий назорат — назарий билимлардан эгалланган баллар

ОН — оралиқ назорат — жорий ва чегаравий баллар йиғиндиси

ЯН — якуний назорат — оралиқ назоратлар йиғиндиси.

8, 14 ва 20 ҳафталар — оралиқ назорат натижаларини олиш учун ажратилган ҳафта

21 ҳафта — керак бўлган ҳолларда якуний назорат ўтказиш ҳафтаси

Жадвалдан кўриниб турибдики, талабанинг ушбу фандан эгаллайдиган максимал рейтинг бали — 85. Ушбу бални учта оралиқ назоратга (ОН1, ОН2, ОН3) ажратилган ҳафталарда (8, 14, 20) тегишлича 35, 25, 25 баллар кўринишида йиғиши мумкин.

Олий ўқув юртларида барча назорат турларини ташкил қилиш тартибини ишлаб чиқиш, уларни услубий таъминотини яратиш, жорий ва чегаравий назоратларни ўтказиш кафедралар ва факультетлардаги ўқув-услубий кенгаш ва олий ўқув юрти ўқув бўлимига юкланади. Хўш, рейтинг назорат тизимини қайдномаси қандай бўлиши керак? Қуйидаги чизма билан ушбу саволга жавоб беришга ҳаракат қилдик.

1-ЖАДВАЛ.

Машғулот ва назорат тури	ярим йиллик давомидаги ҳафталар тартиб рақами ва назоратлар тури																			
	1	2	3	4	5	6	7	8 ЧН1	9	10	11	12	13	14 ЧН2	15	16	17	18	19	20 ЧН3
Жорий назорат: тажриба дарслар	2		2		2		2	8		2		2		4	2		2		2	6
курс иши (лойиха)		2		2		2		6	2		2		2	6		2		2		4
Чегаравий назорат-маъруза								21						15						15
Назоратлар натижаси	ОН1=ЖН+ЧН1=							35	ОН2=ЖН+ЧН2					25		ОН3=ЖН+ЧН3				25

3-ЖАДВАЛ:

NN	Фаннинг номи	Фаннинг максимал балли	Ўқитувчининг исми ва фамилияси	Назоратлар тури ва натижалари: ОН1 Балл	ОН1 Фоиз	ОН1 Имзо	ОН2 Балл	ОН2 Фоиз	ОН2 Имзо	балл ва фоиз ҳисобида: ОН6 Балл	ОН6 Фоиз	ОН6 Имзо	Якуний назорат Балл	Якуний назорат Фоиз	Якуний назорат Имзо
	Умумий натижа														

Факультет ва мутахассислик кафедра қарори: Талаба _____ "_____" бўйруғи асосан "_____" курсга ўтказилсин. (курсда қолдирилсин,

ОН ёки ЯН натижаси ассосида ўқув юртдан четлаштирилсин)

П. ИСМАТУЛЛАЕВ,
профессор,
Ш. НАСРИДДИНОВ.
доцент,
Г. МИРСАИДОВ,
доцент.

ТУМАНДА НЕЧТА КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ БЎЛАДИ?

(Боши 1-бетда).

жами 2200 ўрин бўлса, ҳозир уларда 1590 ўқувчи таълим олмоқда. Демак, юқоридаги рақамлардан англаганимиз туманда ўқувчилар учун кўшимча жой ташкил қилиш керак.

— Ҳа, туманда 2001 йилгача 7976 ўринлик 10 та мактаб биноси қурилишини битказишимиз керак, — дея фикримизга жавоб берди Усмонали ака. — Бу эса 8,8 миллион сўм капитал маблағни (1991 йил ҳисобида) ташкил этади.

2001 йилга келиб туман аҳолиси 152 мингга етади. Бундан 59300 киши 16 ёшгача бўлганларни ташкил қилади. Туманда ишлаб чиқилган диагностик таҳлил бўйича 2005 йилда таянч мактабни 9800 нафар ёш битиради. Уларнинг 3920 тасини академик лицейларда, 5880 нафарини эса касб-ҳунар коллежида ўқитиш кўзланаяпти. Буларнинг барчаси туман ХТБ олдида жойлардаги мактабларнинг моддий-техник базасини тубдан янгилаш,қурилиши якунланмаган мактабларни битказиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларга кўшимча мутахассисликни ўргатиш каби муаммолар туғдирмоқда.

Туманга қайси касблар зарур? Тузилажак академик ёки касб-ҳунар йўналишларидаги мактабларда қандай мутахассисликлар тайёрланади, деган саволимизга Усмонали ака қуйидагича жавоб берди:

— Туман ХТБ, меҳнат биржаси ва туман ҳокимиятининг истиқболни белгилаш ва статистика бўлими билан ҳамкорликда диагностик таҳлил ишлаб чиқдик. Меҳнат биржаси ҳозир туманнинг касбларга ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ўрганяпти. Жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари ҳам бу ишга яқиндан ёрдам беришса яхши бўларди. Зеро, улар ўз қишлоқлари ҳудудидаги заруриятни яхши тушунади.

Касб-ҳунар йўналишидаги мактабларни ташкил этишда авваламбор миллий ҳунармандчиликка оид касблар, сўнг кундалик ҳаётимизга зарур бўлган касб-ҳунарни, масалан, электрик, дурадгорлик, тикувчи, сантехник, телеуста, ЭҲМ операторлари ва ниҳоят жаҳон андозалари талаб этаётган менежер, тадбиркор, менежмент, тижоратчи каби мутахассисликларни танлашимиз керак.

Туманда ҳозирнинг ўзида 2 та ҳунар лицейи, бир тадбиркорлик, бир тижорат ўқув юртлари, Тошкент аграр университети қошида эса ўзбек-турк лицейи фаолият кўрсатаяпти. Яқинда қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган лицей очилади.

Академик йўналишдаги мактаблар масаласига келсак, тумандаги 36 та мактабда 305 синф мавжуд. Уларда 5733 ўқувчига жами 19 та фан чуқур ўргатилмоқда. Келгусида бу мактаблар академик йўналишдаги билим юрти сифатида ўз фаолиятини давом эттиради.

Хуллас, туманда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни амалга ошириш учун ибратли ишлар бошлаб юборилган. «Қарс икки қўлдан» дейди доно, халқимиз. Истагимиз илму ҳунар ўрганишга иштиёқманд ёшлар ва уларнинг меҳрибон мураббийларининг бу саъй-ҳаракатлари самарали бўлсин.

Нурлан УСМОНОВ.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНЛИГИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт. Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Sinab ko'ring

МЕҲР ҚОЗОНИШ УСУЛИ

Педагогик матбуот журналисти сифатида республиканинг турли бурчакларида, мактабдан ташқари муассасаларида, илм масканларида бўлиб, муаллимлар билан учрашиб тураман. Ҳақиқатгўй, софдил, қатъиятли ва касбига садоқатли кишилар билан гурунглашиб қолган чоғларимда мени қувонч тўла шодлик туйғулари қамраб олади. Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 25-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳикоят Раҳмонқулова билан мулоқотда ана шундай ҳолат юз берди.

28 йилдан бери ўқитувчилик қилиб келаётган муаллима билан илк мулоқотдаёқ сездимки, бу фидойи муаллимага чуқур масъулият туйғуси, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш, барча ишда бошқалар учун ибрат бўлишга интилиш фазилатлари хос.

— Ўтган йили Сизга Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» унвони берилганлигини эшитган заҳоти ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?

— Тўғриси, қаяжонландим. Оддий қишлоқ ўқитувчисига бундай эътибор бошқа даврларда бўлган эмас.

— Биринчи бор қалам ушлатган ўқитувчингиз ҳақида икки оғиз сўзлаб ўтсангиз?

— Аслида ўқитувчилик касбига меҳр уйғотган биринчи устозим Саида опа Қобилова бўладилар. Илк машғулотда у «О» ҳарфини ҳавода қўл ҳаракати билан муаллақ ёзиб, машқ қилиб кўрсатди. Сўнгра деди: «Келажакда ким ўқитувчилик касбини эгалламоқчи бўлса, унинг хати чиройли чиқади». Биз муаллимамизга ҳавас қилиб, ҳаммамиз ёзувимизни чиройли қилишга ҳаракат қилдик. Мен эса шу-шу ўқитувчиликка меҳр қўйдим.

— Дастлаб иш бошлаганингизда ота-оналар билан ишлаш муаммосини ечган экансиз. Шу тўғрими?

— Ҳа. Бир пайтлар ўқувчиларнинг «Алоқа дафтари» ўқитувчини ота-она билан боғловчи кўприк вазифасини ўтарди. Бу усул хусусида кўп мулоҳаза қилиб кўрдим. Шунисига аниқки, бола уни ота-онамга кўрсатмасмикин, деб иккиланади. Баъзан ота-оналар «Ўқитувчингнинг хат ёзишдан бошқа иши йўқмикин», дейишлари ҳам мумкин. Хулласи, унинг ўрнига бошқа тадбир ўйлаб топдим.

— Шуни батафсилроқ сўзлаб берсангиз?

— Белгиланган тартибда ўғил-қизларимнинг уйига ташриф буюраман. Масалан, бир кунда 5 хонадонга боришни мўлжаллайман. Борадиган куним ўқувчиларимдан тайинлаб юбораман. Шу куни ўқувчи «Муаллимим келар экан» деб тайёргарлик кўради. Масъулияти ошади.

Ота-она билан суҳбатлашиш жараёнида «Фарзандингизнинг ёзуви яхши эмас, намунага қараб ёзаётганда кузатиб туринг!» мазмунида енгил таъкидлаб ўтаман. Ўғил-қизингизга «Муаллим ёзувига ўхшатиб ёзгин», деб турсангиз кифоя.

— Боланинг ёзув саводхонлигини кўтариш борасида яна қандай услуб қўллаясиз?

— Ўқишга қизиққан, улгурган ўқувчилар илк машғулотлардаёқ ёзиб кетади. Ҳуснихати ёмон, чаплаб ёзадиганларнинг қўлидан ушлаб ёздираман. Бир ҳарфни эплаб ёзса, «Худди шундай ёзиб кетгин», деб руҳини кўтараман.

— Жаҳлингиз қўзғаган пайтлари уларни койиясизми?

— Мактабда 28 йил ишлаётган бўлсам шу давргача бирон ўқувчига қаттиқ гапирмаганман. Чунки руҳи тушган бола лоқайд, паришонхотир бўлиб қолади. «Билмайсан», «Қолоқсан» сўзлари билан таъна қилиш ҳам ярамайди. Бу нохуш ҳолларга олиб келади. Тажрибадан маълумки, айрим болаларнинг қобилияти 9, ҳатто 10 ёшлардан бошлаб шаклланади.

— Дейлик, ўқувчи математика фанидан қолоқликка йўл қўйса-чи?

— Ҳаётда, бевосита турмушда учрайдиган мисолларга мурожаат қиламан. Масалан, ҳовлидаги дарахт шохида 5 та қуш бор эди, шундан 2 таси учиб кетди. Нечта қолди? каби ҳаётий саволлар бераман. Мисоллар синф тахтасига ёзилиб, мустаҳкамланади. Шу сингари усуллар билан мазкур фанга қизиқтираман, уларнинг тилини топаман.

— Ҳар куни дарсга тайёргарлик кўришга қандай вақт топасиз? Мактаб, фарзандлар тарбияси, уй юмушлари Сизни толиқтириб қўймаяптими?

— Рўзғор юмушларидан ортиб, дарс тайёрлашга вақт топаман, баъзан чой ичиб ўтириб ҳам мутолаа қилавераман. Бирон янгилик яратиш илинжида юрсам, сира уйқум келмайди. Чунончи, янги алифбодаги і ҳарфи ёзмасининг ўқувчиларга осон ёздириш усулини сигир соғишга кетаётиб кашф қилдим. Кашфиётимни дарров ерга ёздим. Дадаси «Нима, ердан олтин топдингми?» мазмунида лутф қилдилар. Мен учун ўша дақиқалар олтин топгандан ҳам афзал эди.

Дарвоқе, турмуш ўртоғим Тошботир Бобохолов мактабимизда ўғил-қизларга тарих фанидан сабоқ берадилар. Бирбиримизни имо-ишорадан тушунамиз. Қисқаси ҳамнафас, ҳам елкадошмиз. Фарзандларимиздан уч нафари ўқитувчилик касби этагидан тутишган. Уч нафари эса мактабда таҳсил олаётир. Фарзандлар камолотини ўйласам барча чарчоқларим унутилиб кетади.

— Сизнингча, маънавият бирламчими ёки моддий таъминот?

— Назаримда, моддий тарафдан яхши бўлсак, маънавиятимиз ҳам кўнгилдагидек бўлади. Бунинг учун фақат ишлаш керак. Шу билан бирга оилалда тотувлик, ўзаро иззат, ҳурмат кучли бўлса, шубҳасиз, кўзланган мақсадга эришилади.

— Муаллим ва ўқувчи бир-бирларини англашларида Сиз қандай услубларга таянасиз?

— Ўқувчиларим билан мулоқот усулида, шунингдек, якка тартибда иш олиб бораман. Уларнинг ҳар бирига худди фарзандимдек алоҳида меҳр билан қарайман. Ширин муомалада бўламан. Агар ўқувчи меҳрини қозона билсангиз у бутун вужуди билан топшириқларни бажаришга тиришади. Сиз йўлланма бермасангиз кифоя.

— Ҳикоят опа, демак, буни меҳр қозониш усули, деб атасак бўлаверар экан-да!

— **Албатта.**

— Раҳмат.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ суҳбатлашди.

Kasaba uyushmalari hayotidan

ГУРУҲЛАР ИШЛАЯПТИМИ?

Ҳар қандай касб эгаси аввало ўзи ва қолаверса эли учун хизмат қилади. Хўш, унинг соғлиги, яшаш тарзини яхшилаш ҳақида ким қайғуради? Бу саволга кўпчилик «Албатта касаба уюшмалари» деб жавоб берган бўларди.

Халқ таълими ходимларининг бошини бир жойга бириктирган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ана шундай ташкилотлардан. Республикамиздаги барча вилоят, туман, шаҳар халқ таълими бўлимларида қўмита ташаббуси билан 1995 йилдан бошлаб гуруҳлар ташкил этилган эди.

Орадан икки йил ўтди. Нима сезилди? Уюшмалар қошидаги гуруҳлар ўз аъзолари ҳақида ғамхўрлик қила олдими?

1997 йил инсон манфаатларига қаратилди ва бу барчага маъқул келди. Чунки кишиларнинг манфаатларига мос келадиган ишлар албатта, ижобий ўзгаришларнинг вужудга келишига имкон яратади.

Касаба уюшмалари эса нафақат инсон манфаатлари йўлида, балки ҳар доим ва муттасил равишда кишилар ҳақида ғамхўрлик кўрсатади. Бу аввало жамоат ташкилоти, қолаверса ижтимоий ҳимоялаш, қўллаб-қувватловчи уюшма.

Таълим тизимида ишлаётган кишилар ҳам ўзлари учун кўрсатиладиган ғамхўрликдан мамнунлик туйғулари табиий. Республикамиз Президенти фармонлари, ҳукуматимиз қарор, қонунларининг бажарилишини таъминлаш бўйича таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг барча қўмиталарида 6 мингта гуруҳ ташкил этилган эди.

Касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси гуруҳлар устидан изчил назорат ўрнатишга бир қадар муваффақ бўлди. Ўз раёсат йиғилишларида Фарғона, Бухоро, Жиззах, Тошкент вилояти ва шаҳри гуруҳларининг ҳисоботларини таҳлил қилди.

Самарқанд вилоятида педагог ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида дуруст ишлар қилинаяпти. Вилоятда коммунал хизматлар учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқидан 65897 нафар халқ таълими ходимлари фойдаланмоқда.

1996-97 ўқув йили мобайнида ўрта ҳисобда таълим тизими соҳасидаги ходимлардан 12239 нафари қўмир ва 2290 нафари суюлтирилган газ баллонлари билан таъминланган. Бу йил ҳар ойда ўртача 4378 кафар киши шаҳар транспортида бепул ёрдам ойлик йўл чиптолари билан таъминланган.

Самарқанд туманидаги касаба уюшмалар гуруҳи ишини кузатганимизда, қишлоқ фуқаролар йиғини билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатил ганига гувоҳ бўлдик. 547 нафар кишига 250 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилган бўлса, 203 кишига уч ой мобайнида 2000 сўмдан ва туман касаба уюшма қўмитаси томонидан 70 кишига 30 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилган.

Касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси мажлисида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасидаги гуруҳлар иш фаолияти чуқур таҳлил қилинди. Бухоро, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Фанлар Академияси гуруҳларига амалий ёрдам кўрсатилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳали гуруҳлар фаолиятида жиддий нуқсонлар ҳам мавжуд. Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ, Пискент туманларидаги гуруҳлар ҳатто ўз иш режаларига эга эмас. Ёки иш режасини шунчаки тузиб қўйиб, умуман уларни амалга оширишга ҳафсала қилмаганлар.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятларининг совуққонлиги, лоқайдлиги оқибатида ўқитувчи ва мураббийлар ўз иш ҳақларини вақтида ололмайдилар. Педагог ходимларни суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш тўғрисидаги ҳақли талаблари инобатга олинаётгани йўқ. Кўпчилик туманларда бу кўрсаткич атиги 25-30 фоизни ташкил этади.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига маблағларнинг етарлича ажратмаслиги туфайли кўнгилсиз ҳодисалар ҳам учраб турибди. Наманган вилоятининг Мингбулоқ туманидаги 13-мактаб ҳудудида узунлиги6,8 метр, баландлиги 1,8 метрли пишиқ ғиштдан лойиҳасиз қурилган девор 1997 йил 17 январь куни қулаб тушган. Бунинг оқибатида икки ўқувчи ҳалок бўлган, 4 бола оғир жароҳат олган.

Касаба уюшмалари энг оммавий, кучли ташкилот. У жуда кўп масалаларни ҳал қилишга қодир. Лекин ўз навбатида уни ҳам қўллаб-қувватловчи маҳаллий идоралар бўлиши керак. Умуман олганда, республикамиз миқёсида ташкил этилган гуруҳлар иши бир вилоятда яхши, иккинчисида аксинча. Қаердаки маҳаллий ҳокимиятнинг аралашуви, ёрдами бор экан, касаба уюшмалари қошидаги гуруҳларнинг қилган ишлари ҳам яққол кўринади. Ёки аксинча.

Вазифалар нимадан иборат? Таълим тизимининг такомиллаштиришга бош қўйиш. Ўқитувчи ва мураббийларни мумкин қадар ижтимоий ҳимоялаш. уларнинг саломатликлари ҳақида қайғуриш. Гуруҳлар ишини янада жонлантириш. Бунга озми-кўпми эришган касаба уюшмалари, албатта, ўз ютуқларини кўпайтирган бўладилар.

Йўлдош АҲМЕДОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси бош мутахассиси.

БУГУНГИ ТАЛАБЛАРДАН БИРИ

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга маҳаллий мавзулар бўйича билимлар бериш бугунги кун талабларидан биридир. Чунки ўқувчилар дунёвий илмлар олиш билан бирга ўзи яшаётган жойнинг ўтмишини ва бугунини, адабиётини, ўша ҳудуддаги ишлаб чиқариш маҳсулотларини билиши, фахрланиши, уларни эъзозлаши лозим.

Бу мавзуда ўқувчиларга ҳар бир фан бўйича меъёрига етказиб маълумот бериш учун авваламбор биз ўқитувчилар ўзимиз аниқ билимларга эга бўлишимиз лозим.

Шу мақсадда бизнинг вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти кафедра ва бўлимларида «Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга маҳаллий материаллар бўйича илк тушунча бериш бўйича хайрли ишни бошлади ҳамда бу ишни амалга ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижодий гуруҳлар тузилди.

Ҳозирги кунда бу гуруҳларимиз ижобий натижаларга эришмоқда. Жумладан тил ва адабиёт бўлими XVIII асрдан то ҳозирги кунгача бўлган маҳаллий ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятлари бўйича аниқ маълумотлар тўплашга эришди. Шу булан бирга вилоятимиз ҳудудигаги рус, қозоқ, қирғиз миллатига мансуб ижодкор ўқитувчиларнинг ҳам фаолиятларига катта эътибор берилмоқда.

Тўпланган маълумотлар ижодий гуруҳ аъзолари томонидан ҳар ойда таҳлил қилиниб, улар ижодининг энг юксак чўққиларини таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўллари режалаштирилиб борилади.

Булардан ташқари, ижодий гуруҳ аъзолари томонидан Жиззах шаҳрининг қадимги миллий ҳунармандчилик маҳаллалари фаолиятлари ҳам ўрганилмоқда.

Бизнинг мақсадимиз ўқувчиларга меҳнатсевар, оқилу доно аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот бериш ва улар анъаналарини давом эттиришдек эътиқодни сингдиришдир.

Р. ҚОРАБОЕВА,
Жиззах вилояти ПХМОИ тил ва адабиёт бўлими услубчиси.



«Математика — ақл қайроғи» дейишади. Зотан, шундай бўлса ҳам бу фанни ҳамма ўқувчилар бирдек ўзлаштиролмайдилар. Чунки математиканинг мураккаб амалларини ўқувчиларга севдириш, сингдириш, энг аввало, шу фан ўқитувчисига боғлиқ.

Бундай ўқитувчилар номи тилга олинганда, албатта Раҳматулла Каримовнинг номи ҳам қайд этилади. Зеро, пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 4-мактабда математика сирларини ўргатаётган бу фидойи устоз ҳар бир дарсни ўзига хос маҳорат ва ихлос билан ўтадилар.

Суратда: Раҳматулла КАРИМОВ дарс ўтаётган пайт.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

«ИЛМ ЧАШМАЛАРИ» ҲАҚИДА

Ватан остонадан бошланади, дейишади. Таъбир жоиз бўлса, унинг тарихи ҳам айнан ўша остонани билишдан бошланади, дейиш мумкин. Негаки, ўз маҳалламиз, қишлоғимиз утмишини билмай туриб, юртимиз утмишини ургана олмаймиз. Яқинда «Шарқ» нашриётматбаа концерни томонидан нашр этилган «Илм чашмалари» деб номланган рисола ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Паст Дарғом тумани халқ таълими тарихидан ўқувчиларни воқиф этадиган бу рисола таълим-тарбия муассасалари ҳамда уларда фаолият курсатган педагоглар, тарбиячиларнинг илгор тажрибаларини узида мужассамлаштиргани билан аҳамиятли. Муаллифлар Барот Амиров, Раҳмон Маматов, Неъматилла Элмуродовнинг изланишлари самараси уларок, рисолада туманда пайдо булган илк мактабдан то бугунги кундаги илм масканлари, улардаги ўқувчилар, ўқитувчилар сони, раҳбарлар ҳақидаги маълумотлар берилган.

Айниқса, республикамиз мустақилликка эришганидан буён ўтган олти йил таълим-тарбия борасида туб бурилиш ясаганлиги, бу ислоҳотларнинг туманда қандай амалга оширилаётганлигига салмоқли урин берилган. Туман педагогларининг мустақиллик, озодлик, ҳурлик каби тушунчаларни, аввало, ўзлари тушуниб, сўнгра ёш авлод шуурига сингдиришидаги фаолликлари аниқ ишлар, тадбирлар, режалар асосида ёритилган.

Ўйлаймизки, бу рисола ушбу туман тарихининг, қолаверса мамлакатимиз тарихининг бир томчиси сифатида китобхонларга маъқул манба булади. Ўз урнида муаллиму тарбиячиларга, ўқувчиларга жонажон илм масканлари тарихини урганишда қул келиб, керагида ибрат мактаби вазифасини ҳам уташи мумкин.

А. РАҲИМОВ.

Maktabda sport

СПОРТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Андижон шаҳри Ватанимизга кўплаб машҳур спортчиларни етказиб берган. Айниқса, бокс бўйича ўтказилган беллашувда Руслан Чагаевнинг ғолиб чиқиши ва ҳукуматимизнинг чарм қўлқоп устасига кўрсатган эҳтироми андижонлик ёшларни руҳлантириб юборди. Албатта, Русланнинг ғалабаси Андижонда спортга бўлган эътиборнинг маҳсули десак янглишмаймиз. Шаҳардаги 32-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам жисмоний тарбия ва спортга ўзгача бир меҳр қўйган. Шубҳасиз, бунда мураббий Салимжон Қорабоевнинг хизматлари таҳсинга лойиқ. Мактабда шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, футбол, бокс тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Мактабнинг ёш спортчилари ўқувчилар ўртасида қўл тўпи, волейбол, шахмат-шашка бўйича ўтказилган шаҳар биринчилигида биринчи ўринни эгалладилар. Спортга ихлос ва меҳр қўйган бу ёшларни кузатиб, Андижондан юртимиз довруғини оламга ёядиган ҳали кўплаб спортчилар чиқади, деган ёруғ ўй хаёлимдан ўтди.

Шуҳратбек КЕЛДИЕВ.

Maktab sahnasi uchun

Миразиз АЪЗАМ

БУХОРИЙ ДАРСИ

ЎЙИН ПИЕСА

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

УҚИТУВЧИ: — Болалар! Тарихда ҳадисчилик билан шуғулланган олимлар кўп бўлган. Аммо Бухорий муҳаддисларнинг энг улуғидир. У Қуръондан кейин турувчи «Алжомеъ ас-саҳиҳ»ни яратди. Боя Ҳакимнинг гапини эшитдингиз: Пайғамбаримиз 570 йили туғилиб, 632 йили вафот этганлар. Имом Бухорий эса 810 йили туғилиб, 870 йили вафот этганлар. Улар орасида деярли 200 йиллик фарқ бор. Шундай булишига қарамай, пайғамбаримизни ўз кўзи билан кўрган, ҳали бўлиб ўтган воқеалар хотираларидан кўтарилмасдан бурун ҳадислар ёзган бошқа олимлардан Бухорий қандай қилиб олдинга ўтиб кетди?

Пайғамбаримиз, Варақа айтганидай, уз ватандошларини ислом динига даъват этдилар. Она шаҳри Маккадан чиқариб юборилдилар. Мадинага ҳижрат қилдилар. Бутун Араб ярим оролига исломни ёйдилар. Вафотларидан сунг дўстлари, оила аъзолари, сафдошлари саҳобийлар деган фидойи жиҳодчилар Расулуллоҳ ҳақида хотираларини айтиб ёзиб юрдилар. Уларни тартибга солувчи, китоб ҳолига келтирувчи не-не ҳадисчилар яшаб ўтдилар; не-не тарихий китобларни ёзиб қолдирдилар. Нима воқеа юз бердики, орадан деярли икки аср ўтгач, олис Бухородан шундай олим чиқиб, уларнинг ҳаммасини орқада қолдирди?

САИД: — Бу жиддий савол, домла. Тўла жавоб бериладиган бўлса, кўп вақт керак булади. Имом Бухорий ҳаётининг айрим манзаралари билан танишсак, хулоса ва жавоб уз-ўзидан келиб чиқармиди...

УҚИТУВЧИ: — Тўғри. Шундай қиламиз. Аммо мен ҳозир саволимга энг қисқа бир жавобни эшитмоқчиман.

ҲАКИМ: — Бухорийнинг ҳадислари энг ишончли ҳадислардир. Одатда бир одам вафот этса, у ҳақда хотира ёзувчилар ёки айтувчилар айтилган-айтилмаган гаплар, бўлган-бўлмаган воқеаларни қоришгириб юборганлар. Бухорий ана шундай ҳадисларнинг барчасига тарихий аниқлик киритган. Уз давригача яратилган ҳадисларнинг барчаси билан танишган, 600000 ҳадисни ёд олган, 12 йил меҳнат қилиб, шулардан 7275 тасини ишонарли ҳадис, деб топган.

УҚИТУВЧИ: — Баракалла! (Пауза) Ана энди биз Бухорий бунга қандай эришганини ҳаёт манзаралари орқали кўриб чиқамиз. Қани, энди, Бухорийнинг энг гўдаклик чоғи ҳали дадаси ва онаси уни «Мамажон» деб чақирадиган пайтда қандай бола булгани ҳақида ким нима билади?

МАНСУР: — Домла! Бухорий ҳали «Мамажон» деб айтиладиган гўдаклик пайти тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Аммо, домла, у қандай бола булганини мен биламан.

УҚИТУВЧИ (кулиб): — Қани, билганингни айт-чи...

МАНСУР: — Мамажоннинг дадаси Исмоил ота кўп китоб ўқийдиган киши булган. Мамажон 3—4 ёшлигидаёқ дадасининг пинжига тиқилиб, «Мен ҳам ўқиймаан», деяверарди. Дадаси «Йуқ, тухтаб тур. Сен ҳали кичкинасан», деса ҳам қўймасди. «Булмаса овоз чиқариб ўқинг», дерди дадасига. Овоз чиқариб ўқиса, Мамажон эшитганларини қайта-қайта такрорлар ва дарров ёдлаб олаверарди. Тушунмаган сўзларини «Дада, бу нима деган? « деб сураб билиб оларди. Дадаси унинг қобилиятини кўриб, алифбони ўргатган. Мамажон бир йилга қолмай ўқиш-ёзишни ўрганиб олган. Дадаси севиниб кетиб унга Қуръонни ёдлата бошлаган. Лекин шу орада дадаси вафот этган. Мамажон эса ҳижжалаб-ҳижжалаб ўқийверган...

УҚИТУВЧИ: — Худди кўргандай гапирасан-а! Қаеқдан биласан шундай булганини?

3-УҚУВЧИ: — Э, домла, Мансурда фантазия кучли-да.

МАНСУР (парво қилмай): — Буни билиш қийин эмас. Чунки «Иршод» номли китобда ёзилишича, кичкина Бухорий 6-7 ёшларида бирдан кўр булиб қолди. Қанча дори-дармон қилишса ҳам тузалмади. Онаси узлуксиз ўглини дуо қилиб, Оллоҳга ёлвориб, йиглар эди. Шунча кўп йиғладики, ҳатто кузи кўр булиб қолаёзди.

4-УҚУВЧИ: — Вой, бечораe!

МАНСУР: — Бир куни йиғлай-йиғлай, Худога ёлвора-ёлвора чуқур уйқуга кетганида, тушида Иброҳим пайғамбарни кўради. Бу улуғ пайғамбар, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай кузда ёши билан Тангрига кўп ёлворгани учун Оллоҳ таоло ўглининг соғлигини қайтариб беражагини айтади. Эрталаб уйгониб қараса, чиндан ҳам ўглининг кузи тузалиб, кўра бошлаган экан.

5-УҚУВЧИ: — Ё тавба...

МАНСУР: — Менимча, ёш Бухорийнинг кўр булиб қолиши ҳали китоб ўқийдиган ёшига етмасдан бурун кўп ўқиганлиги туфайли юз берган. Онаси шундан кейин Муҳаммаджонга мактабга боргунча ўқишга рухсат бермаган булса керак.

УҚИТУВЧИ: — Мушоҳаданга жон бор. Фикрингга қўшиламан. Дуонинг таъсирига келсак, ҳозир аниқ фанларда ҳам буни тасдиқловчи далиллар кўп. Биз бу мавзуда бошқа дарсларда фикрлашамиз. Ҳозир яна Бухорийнинг ҳофизаси, яъни фавқулодда ёдлаш қобилияти ҳақида гаплашайлик.

МАНСУР: — Муҳаммад Бухорий 10 ёшларида мактабга боради. Ўша пайтларда Куттоб деган ўқиш ва ёзишни ўргатадиган бир турли мактаб бўларкан. Куттобда ад-Дохилий деган бир олим дарс бераркан. Дарсдан олдин биз боя Ҳаким билан гаплашган эдик... 10 яшар Бухорий ўқитувчиси бир ҳадис ўқиб хатога йўл қўйганда унинг дарсига тузатиш киритган, шу туфайли ҳамма тада ёшлигида бирдан кўр булиб қолди. Қанча дори-дармон қилишса ҳам тузалмади. Онаси узлуксиз ўглини дуо қилиб, Оллоҳга ёлвориб, йиглар эди. Шунча кўп йиғладики, ҳатто кузи кўр булиб қолаёзди.

4-ЎҚУВЧИ: — Вой, бечораe!

МАНСУР: — Бир куни йиғлай-йиғлай, Худога ёлвора-ёлвора чуқур уйқуга кетганида, тушида Иброҳим пайғамбарни кўради. Бу улуғ пайғамбар, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай кузда ёши билан Тангрига кўп ёлворгани учун Оллоҳ таоло ўглининг соғлигини қайтариб беражагини айтади. Эрталаб уйгониб қараса, чиндан ҳам ўглининг кузи тузалиб, кўра бошлаган экан.

5-ЎҚУВЧИ: — Ё тавба...

МАНСУР: — Менимча, ёш Бухорийнинг кўр булиб қолиши ҳали китоб ўқийдиган ёшига етмасдан бурун кўп ўқиганлиги туфайли юз берган. Онаси шундан кейин Муҳаммаджонга мактабга боргунча ўқишга рухсат бермаган булса керак.

УҚИТУВЧИ: — Мушоҳаданга жон бор. Фикрингга қўшиламан. Дуонинг таъсирига келсак, ҳозир аниқ фанларда ҳам буни тасдиқловчи далиллар кўп. Биз бу мавзуда бошқа дарсларда фикрлашамиз. Ҳозир яна Бухорийнинг ҳофизаси, яъни фавқулодда ёдлаш қобилияти ҳақида гаплашайлик.

МАНСУР: — Муҳаммад Бухорий 10 ёшларида мактабга боради. Ўша пайтларда Куттоб деган ўқиш ва ёзишни ўргатадиган бир турли мактаб бўларкан. Куттобда ад-Дохилий деган бир олим дарс бераркан. Дарсдан олдин биз боя Ҳаким билан гаплашган эдик... 10 яшар Бухорий ўқитувчиси бир ҳадис ўқиб хатога йўл қўйганда унинг дарсига тузатиш киритган, шу туфайли ҳамма тада ёшлиги ҳақида, кичкина Бухорий 6-7 ёшларида бирдан кўр булиб қолди. Қанча дори-дармон қилишса ҳам тузалмади. Онаси узлуксиз ўглини дуо қилиб, Оллоҳга ёлвориб, йиглар эди. Шунча кўп йиғладики, ҳатто кузи кўр булиб қолаёзди.

4-ЎҚУВЧИ: — Вой, бечораe!

МАНСУР: — Бир куни йиғлай-йиғлай, Худога ёлвора-ёлвора чуқур уйқуга кетганида, тушида Иброҳим пайғамбарни кўради. Бу улуғ пайғамбар, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай кузда ёши билан Тангрига кўп ёлворгани учун Оллоҳ таоло ўглининг соғлигини қайтариб беражагини айтади. Эрталаб уйгониб қараса, чиндан ҳам ўглининг кузи тузалиб, кўра бошлаган экан.

5-ЎҚУВЧИ: — Ё тавба...

МАНСУР: — Менимча, ёш Бухорийнинг кўр булиб қолиши ҳали китоб ўқийдиган ёшига етмасдан бурун кўп ўқиганлиги туфайли юз берган. Онаси шундан кейин Муҳаммаджонга мактабга боргунча ўқишга рухсат бермаган булса керак.

УҚИТУВЧИ: — Мушоҳаданга жон бор. Фикрингга қўшиламан. Дуонинг таъсирига келсак, ҳозир аниқ фанларда ҳам буни тасдиқловчи далиллар кўп. Биз бу мавзуда бошқа дарсларда фикрлашамиз. Ҳозир яна Бухорийнинг ҳофизаси, яъни фавқулодда ёдлаш қобилияти ҳақида гаплашайлик.

МАНСУР: — Муҳаммад Бухорий 10 ёшларида мактабга боради. Ўша пайтларда Куттоб деган ўқиш ва ёзишни ўргатадиган бир турли мактаб бўларкан. Куттобда ад-Дохилий деган бир олим дарс бераркан. Дарсдан олдин биз боя Ҳаким билан гаплашган эдик... 10 яшар Бухорий ўқитувчиси бир ҳадис ўқиб хатога йўл қўйганда унинг дарсига тузатиш киритган, шу туфайли ҳамма тада бизларнинг етти авлодимиз эскичани яхши ўқиган кишилар бўлишган. Менга ҳам озгина ўтган-да улардан.

8-ЎҚУВЧИ: — Кўриниб турипти.

ЎҚИТУВЧИ: — Пичинг қилишнинг ўрни эмас, чиндан ҳам кўриниб турипти.

9-ЎҚУВЧИ: — Мунча мақтанмасанг, Мансур...

МАНСУР: — Ҳов, мақтаниш билан ғурурланишнинг фарқига борасанми ўзинг?

9-ЎҚУВЧИ: — Ҳаммаси битта: мақтанчоқ одам мағрур булади, мағрур одам мақтанчоқ булади...

МАНСУР: — Кечирасан. Мақтаниш — бу, ўзида йўқ нарсани бор қилиб кўрсатишдир. Ғурур эса бор нарса билан, шу бор нарсанинг афзаллиги билан мағрур юриш ва шунга яраша гапиришдир. Шунга яраша ишлашдир.

9-ЎҚУВЧИ: — Бай-бай-бай... Мунча калланг фалсафага тула булмаса? .. Миянг ғиж-ғиж ақла...

ЎҚИТУВЧИ: — Бас қилинглар... Бундай гапларга вақтимиз йўқ. Қани, Саид, сен нима дейсан, бир-икки қизиқарли воқеалардан гапир-чи...

САИД: — Муҳаммад Бухорий 16 ёшида онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига чиқади. Маккада ҳаж маросимларини адо этадилар. Сунг онаси ва акаси Бухорога қайтишади, Бухорий эса ҳадис тўплаш мақсадида Маккада қолади. Икки йил давомида Мадинада, Бағдодда ва бошқа йирик шаҳарларда айланиб, ҳадис тўплайди ва шу пайтгача йиғган барча маълумотлари асосида «Ат-тарих ал-Кабир» номли китобини ёзиб тугатади. Бу — ҳадис айтган ровийлар ҳақида энг қимматли асардир. Аввал Пайғамбаримизга ҳурмат юзасидан Муҳаммад деб номланган барча ровийларнинг таржимаи ҳолини беради, сунг алифбо тартибида бошқа ровийлар ҳақида қисқа-қисқа маълумот ва ҳикоячалар келтиради. Муҳаддислар тўплаган ҳадислар қанчалик ишонарли эканлигини кўрсатиб қўядиган бу китобда 13 минг ровийнинг таржимаи ҳоли бор. 18 яшар, яъни бизлардан бор-йўғи 4 ёш катта бўлган бир йигитнинг қандай қилиб буюк ишни амалга оширганлига ақлим етмайди. 200 йиллик тарих ичидаги 13 минг одамнинг ҳаётини тавсифлаб бериш учун кишида афсонавий девларнинг кучи, фаришталарнинг закоси бўлиши керак. Биз 200 йил олдин утган бир одамнинг ҳаётини ҳам эплаб ёзиб бера олишимизга кузим етмайди; 200 йил у ёқда турсин, 10 йил бурун вафот этган одамнинг таржимаи ҳолини ҳам мустақил ўрганиб чиқишга сабримиз етмайди, домла. Бухорий эса 18 ёшида шундай бир буюк асар яратиб қўйган-а... Машҳур бир олимнинг ёзишича, ўша замондаги 30 дан ортиқ машҳур олимнинг Бухорий китобига эҳтиёжи бўлган. Улар Бухорийнинг бу асарини бир марта бўлса ҳам кўришга орзуманд бўлган эканлар.

10-ЎҚУВЧИ: — Ҳа, мен Бухорийнинг доҳий олим бўлганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Қўнғироқ. ПАРДА.

(Давоми бор).

Давоми. Боши газетанинг 83—85 сонида.

Ko'ngil bitiklari

СЕН ҲАҚИНГДА ЎЙЛАБ

Сен ҳақингда ўйламоқ билан
Неча-неча тонг бедор отди.
Менга тинчлик бермай хаёллар
Йўлларингга муштоқ қаратди.

Сенга томон сўнгги йўқ йўллар
Маъюс қилди хумор кўзларни,
Беаёв ўй ажинлар тортиб
Сўлғин қилди сўлим юзларни.

Соғинч, кутиш изтироблари
Умидлардан дилни аритди.
Сезаяпман, ўй ва хаёллар
Мени жуда барвақт қаритди.

СОҒИНГАНИМДА

Бугун сизни тонгга ўхшатдим,
Юзингиз порлади қуёш сингари.
Маъюс кўзингизни эслатди менга,
Уфқдан юксакка интилган сари.

Етим умидларим оҳ уриб кетди,
Уфқларга етди менинг қулочим.
Биз билан яшайди буюк муҳаббат,
Ахир севги билан тугалдир очун.

Ишқли қалбнинг қонидай лабим,
Ловуллайди маъсум оташда.
Учқун сочар оҳу кўзларим,
Яширмоқчи бўлганим учун.

Турсуной ИСМОИЛОВА,
Тошкент вилояти ПХМОИ «Ахборот ва тарғибот» бўлими ходими.



Хазонрез... Абдул Ғани ЖУМА олган сурат.

Sport

МҲСК — ЧЕМПИОН!

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лига командаларининг навбатдаги мавсуми тугашига бир тур қолганда чемпион аниқ бўлди. Рустам Мирсодиқов мураббийлигидаги Тошкентнинг МҲСК футболчилари Ўзбекистоннинг 1997 йилги чемпионлигини қўлга киритишди.

Чемпионлар эртага ўзларининг энг охирги учрашувини «Зарафшон» билан ўтказишади.

«НЕФТЧИ» ва «НАВБАҲОР»...

Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари қаторасига икки йилдан буён олтин медалдан қуруқ қолмоқда. Бу йил фарғоналиклар МҲСКга нисбатан кучсизроқ ўйин ўтказиб, йил бошидан буён иккинчи поғонани эгаллаб келишди ва мавсумдан атиги бир тур қолганда кумуш медалини олиши аниқланди.

Ўтган йилги чемпион — «Навбаҳор» эса 3-ўрин билан кифояланди.

ХАЙР, ОЛИЙ ЛИГА

Самарқанднинг «Афросиёб», Тошкентнинг «Чилонзор», Янгиернинг «Янгиер», Марғилоннинг «Атласчи» командалари 1997 йилги футбол мавсумида суст қатнашганлиги боис, олий лигадан биринчи лигага «учиб» кетишди. Уларнинг ўрнини биринчи лиганинг икки пешқадами эгаллайди.

«Б» ГУРУҲИДА СОКИНЛИК

16-жаҳон чемпионатининг Осиё «Б» саралаш гуруҳида учрашувлар якунланди. Япон футболчилари сўнгги учрашувда Қозоғистонни 5:1 га ютди. Жанубий Корея терма командаси эса Бирлашган Араб Амирлиги футболчиларини сафарда 3:1 натижа билан мағлубиятга учратди.

ТАЭКВАНДО

Шу кунларда ўзбекистонлик таэквандочилар навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Сянганга учиб кетишади. Бу галги жаҳон чемпионатида дунёнинг юз мамлакатидан 700 дан ортиқ «жангари»лар қатнашиши кўзда тутилмоқда. Ўйлаймизки, вакилларимиз ушбу чемпионатда муносиб қатнашадилар.

maydonchasi

Inson odobi bilan

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Оила — қондош, қариндошларнинг муқаддас маскани. Инсон умрининг мазмуни бўлган тарбия ва таълим шу муқаддас даргоҳдан бошланади. Ундаги бетакрор муҳит эса ота-онанинг ўз оиласига муносабатининг бирламчи маҳсулидир. Оиланинг янги меҳмони ундаги фезл-атвор, тарбия, ҳиссиётлар, орзу-умидлар қуршовида шаклланади. Демак, муҳит инсон, оила, қолаверса, жамият учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай оила ота-она томонидан бошқарувга эҳтиёж сезиб туради. Жамиятдан эътибор ва ғамхўрлик кутади. Оиланинг маънавий эҳтиёжлари қондирилса, ҳаётга меҳри жўш уради. Зеро, меҳрсиз инсон кўп нарсани йўқотади. Ота-она оиланинг ўзагини ташкил қилса, фарзанд уни мукаммал ва мустаҳкам қилади. Ҳар бир инсон ўз фарзандининг ёмон бўлишини хоҳламайди.

Шу ўринда бир воқеани эсга олмоқчиман. Автобусда кетаётган бир оила кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Узаро жой талашиб, келишолмай қолган 8—10 ёшли ака-укалар бир-бирини куракда турмайдиган гаплар билан ҳақоратлашар, автобусдагилар бу ҳолдан ‘афсусланиб бош чайқашарди. Отаси тушмагур бўлса, ундан ҳам ёмонроқ сўзлар билан ўғилларини қойиб қўя қолди. Болаларнинг онаси бефарқ, индамади. Улар бу «иши» учун атрофдагиларнинг совуқ ўқрайишлари билан «тақдирландилар». Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деган гап бор. Оғзидан чиққан сўзларининг «ҳиди»га чидаб бўлмайдиган оила бошлиғининг болаларидан ширин гап кутиш...

Ота-онанинг, умуман катта ёшдагиларнинг ҳар бир сўзи, ҳатти-ҳаракати, тутуми болаларга ўрнак бўлади. Боланинг иштирокида баҳслашиш ёки пул санаш каби оддий ҳолатлар ҳам уларни шу нарсага мойил қилиб қўяди. Болалар кўрган, эшитган, ҳатто ўқиган нарсаларини ўзлари «ижро» этишни жуда-жуда хоҳлашади. Натижаси эса уларга қоронғу. Катта ёшдагилар ана шу қоронғуликни ёритиб туришлари керак, токи улар тўғри йўлдан адашмасинлар. Шарқона оилаларга хос бўлган дастурхон атрофидаги насиҳатомуз суҳбатлар, айниқса болаларни мафтун қилади. Шу йўл билан ҳам улар қалбига эзгулик уруғларини эксак, хайрли иш бўларди. Ҳозирги ўтиш даври шароитида тушкунликка тушиб, бола тарбиясини сусайтириш, менимча, фожеадан бошқа нарса эмас. Чунки, ноқобил фарзанднинг оилага, жамиятга эрта келтирган зарари товонига бугунги топган-тутганимизни ҳам қўшиб тулласак-да, унинг кемтиклигини тўлдира олмаслигимизни тушунишимиз керак. Вақт эса кутиб турмайди.

Фахриддин ТУРДИАЛИ ўғли,
ТошДУ талабаси.

In'om

ШИФОБАХШ СУВ

Республикамизнинг айрим жойларидан, жумладан Чортоқ, Зангиота, Бухоро ва бошқа ҳудудларидан чиқаётган шифобахш сувлар инсонларни дардига малҳам бўлмоқда. Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилояти Хўжанд тумани Ўринхўжаев колхозига қарашли Чувуллоқ қишлоғидаги Авлиё Қора бош ота яшаб ўтган жой яқинидан чиққан булоқ Олмалиқ шаҳридан 15—20 километр узоқликда. Авлиё отадан бугунги кунгача тош ўчоқ қозонининг қопқоғи ва бир туп дарахт ёдгорлик сифатида сақланиб қолган.

Аввалари бу ерга келган одамлар Авлиё отани зиёрат қилиб, булоқдан сув ичиб чанқоғини қондиришган. Қишлоқ оқсоқоллари билан суҳбатдан маълум бўлишича, бундан етти йилча олдин шу ерлик Ҳазратқул Султонов отасига булоқ олдида худойи қилади. Бу ерга олмалиқлик Омон дўхтир ҳам таклиф қилинади. У ўзининг буйрагида тош борлигини биларди... Ўша кунги овқат сал шўр бўлганми, Омон ака кечаси билан сув ичиб чиқади. Эртаси куни буйрагидаги тош эриб тушиб кетганига гувоҳ бўлади. Шундай ҳодисалардан сўнг булоқ сувининг шифобахшлиги ҳақидаги хушхабар кенг тарқалади. Йилдан-йилга бу жойга келувчилар сони ортиб бормоқда.

Булоқ сувининг шифобахшлиги тўғрисида баъзи бир мутахассис-ҳакимлар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Шулардан бири Эсон Омонов шундай ёзади: «Мен шу шифобахш сувдан ичдим-у, касалимга даво топдим. Бу сув буйрак ва ўт халтасидаги тошларни майдалаб туширди. Шунинг учун мен врач сифатида буйрак ва ўт халтасида тоши бор беморларни даволашда бу сувни ичишни тавсия қиламан» (1996 йил, 7 сентябрь).

«Мен врач хирург Қаюмов Боқижон Олмалиқ шаҳрида 38 йил шифокор бўлиб ишладим. Биз бу шифобахш сувни биринчилардан бўлиб тавсия қилганмиз. Имоним комилки, сув ҳақиқий шифобахш ва асосан тош эритиш хусусиятига эга» (1996 йил, 6 август).

Тошкентлик Феруза Ҳамидулла хўжа Раҳматулла қизи ёзади: «Менинг касбим врач, соҳам бўйича АҚШ да ўқиб келдим. Америкаликлар ҳозирги аср табиатга қайтишимиз, биз уни авайлашимиз ва сунъий нарсалардан чекланиб, табиат, Оллоҳ инъом этган неъматлардан баҳраманд бўлишимиз керак, деб айтишади. Ўрта Осиё регионларида бу неъматлар мўл-кўлдир. Биздан кейинги авлодлар ҳам баҳраманд бўлишлари учун биз уларни авайлашимиз керак.

Мен шифокор сифатида шуни айтмочиманки, Ўрта Осиё аҳолисида буйракда тош йиғилиши касалликлари кўп учрайди, бундай беморларни жарроҳлик йўли билан эмас, балки шундай шифобахш сувларни ичиб шифо топишларини тавсия қиламан» (1997 йил, 26 апрель).

Халқимиз «Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», дейишади. Чувуллоқ қишлоғидаги сувининг шифобахшлигини ўз вужудида синаб, шифо топган кишиларнинг қуйидаги эътирофларини ўзингиз ўқиб кўринг:

«Мен Сайдалиев Умар Ўрта Чирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида яшайман. Қизим Камоланинг сариқ касалдан кейин, баданини оқ доғлар босган эди. 1994 йили шу булоқ сувининг таърифини эшитиб, қизимни олиб келдим. Худога минг марта шукрки, қизимни танаси тозаланиб, тузалиб кетди».

Тошкент давлат аграр университети доценти Суюн Холиқов: «Саъдулланинг буйрагини аппаратда текширганда 1,2 мм тош борлиги маълум бўлди. Шу сувдан ичгандан сўнг 2-марта аппаратга туширганда ҳам тош йўқлигини кўриб врачлар ҳайрон қолишди. Демак, бу сув шифобахш сув экан» (1997 йил, май).

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Юқорида эътирофларнинг хулосаси шундан далолат берадики, Авлиё ота булоғидан чиқаётган сув ҳақиқатан ҳам шифобахш хусусиятга эга.

Айни пайтда бу жойдаги шароит талаб даражасида эмас. Хизр бобомизнинг назари тушган муқаддас жойни обод қилиш ҳар бир мўмин-мусулмон ва тадбиркор учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бу ерга ташриф буюраётганларнинг орасида ўзбекистонликлар ҳам ангагина. Шундай экан, сувнинг таркиби, заҳираси, бу ердаги шароит ва шифобахш булоқ истиқболига биз ҳам масъулмиз. Ўзбекистон ва Тожикистон Соғлиқни сақлаш вазирликларидаги мутахассислар сув таркибида қандай минераллар борлиги, сувни қанчадан ичиш зарурлиги ва бошқа шу каби муаммоларни ўрганиб, аҳолига зарур тавсиялар беришса, соғлиқни таъминлашда ўзларининг муносиб улушини қўшган бўлишарди.

Баҳодир ТОҒАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Obuna-98

«МУЛОҚОТ» БИЛАН ДЎСТ БЎЛИНГ

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. У ҳамиша ривожланади, юксалади. Булар бари қонуний, албатта. Ҳар бир босқич ўзига хос янгича фикрлайдиган инсонларни тарбиялаб етказади. Улар эса қобилияти, ақл-заковати, билим ва ғайрат-шижоати билан ўз кетидан кўпчиликни эргаштира олади. Тарих ғилдирагани ҳамиша буюк шахслар олға силжитиб келган. Истиқлол янги замонни бошлаб берди ва янги инсон шаклланмоқда.

Барча матбуот нашрлари сингари «Мулоқот» журнали жамоаси ҳам бу масъулиятли вазифани собитқадамлик билан бажариб келяпти. Журналхонларни унинг ўтган йиллардаги сонларида Шарқнинг буюк фарзандлари — Амир Темур, Муҳаммад Хоразмий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат ҳақида мақолалар ўқишди. Шунингдек, журнал юртдошларимизни муқаддас шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро ва Хива тарихи билан таништирди. Ўтмишнинг энг ёрқин, миллатимизнинг энг шукуҳли онларини фахр блан ёдга олдик. Истиқлол ғояларини қалбларга жойлашда ҳам унинг хизматлари беқиёс даражада катта бўлди.

Янги йилда ҳам журнал ўз анъаналарига содиқ қолиб, «Муқаддас китоблар», «Табаррук шаҳарлар», «Маърифат булоқлари», «Шарқ алломалари», «Буюк мутасаввуфлар» рукнида қизиқарли илмий ва бадиий асарларни ёритади. Шуниндек, Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Носир Хусравнинг «Сафарнома», Абдуваҳоб Хожанинг «Гулзор», Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи мавлавий» асарларидан намуналар эълон қилади. Халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва миллий ўзига хос удумлари ҳақидаги мавзулар билан бирга умуминсоний қадриятлар, ҳозирги даврнинг энг муҳим дунёвий муаммолари хусусидаги мақолалар ҳам мунтазам ёритиб борилади. Чоп этилган мақолалар билан танишиб, ҳаёт фалсафасининг янги ғояларидан огоҳ бўласиз, буюк келажак қуриш умидида халқ хизматига камарбаста бўлаётган юртдошларимиз билан яқиндан танишасиз.

Таҳририятнинг ҳодимлари экологик муҳит яратиш ва соғлом авлод келажаги учун қайғуриш мақсадида, хуллас, Мустақил Ўзбекистон истиқболи йўлида юртдошларимиз билан мулоқотлар ўтказади. Тадбиркор мулкдорлар, заҳматкаш пахтакорлар, чорвадору боғбонлар ҳақида ҳам мақолалар эълон қилинади. Сиз, азиз муштарийлар республикамиздаги ёш истеъдодли шоирлар ижодидан сара намуналар ҳам ўқиб борасиз.

«Мулоқот» ўз саҳифаларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган таълим ва тарбия соҳасидаги миллий дастур тадқиқотига катта эътибор берган ҳолда илғор ўқитувчилар тажрибаси оммалашувига зарур имкониятлар яратади. Ҳеч шубҳасиз янги йилда ҳам «Мулоқот» ҳар бир фуқаро учун энг яқин дўст, ҳамкор ва кўмакдош бўлиб қолади. У билим ва фикрий доирангиз кенгайишига, ақл-идрокингиз пешланувига ёрдам беради.

Йил бўйи журналимиз куюнчак муштарийлар мактубларига ўз саҳифаларидан доимо ўрин ажратади. Қисқаси, у Сизнинг энг ишончли маслакдошингизга айланишини истасангиз, вақтни кечиктирмай 1998 йил учун «Мулоқот» журналига обуна бўлинг.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ,
«Мулоқот» журнали масъул котиби.

Qutlov

Муҳтарама Назира АҲМЕДОВА!

Туғилган кунингиз билан қутлаймиз!

Мактабимизнинг довруғ таратиши, обрўга эга бўлиши, аввало Сизга, Сизнинг елиб-югуришларингизга боғлиқ! Демак, асло толманг, соғ бўлинг! Сиз билан фахрланамиз!

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактаб ўқитувчилар жамоаси.

Xullas...

ТАЛАБАЛАР ТОПИЛДИҒИ

Пермь давлат университети тарих факультетининг талабалари Игорь Распутин ва Петр Коноваловлар танбаллиги, безорилиги билан яхшигина машҳур эдилар. Шу йилнинг сентябрь ойида, ўрта асрларга оид хароба қабристон ҳудудида амалий машғулотлар олиб борилаётган чоғи бу икки шоввоз жуфтакни ростлаб қолишди. Ярим тун маҳали эди. Шунинг учун ҳам қочоқ талабалар кўздан пана ғорсимон чуқурликда тонгни кутишга қарор қилишди. Тонг отди. Бироқ Игорь ва Петя чуқурликдан чиқиб кетишолмади. Чунки бу икки танбал шундоққина теваракларида сочилиб ётган ҳар хил қадимий тангаларга, зебу — зийнатларга, сопол идиштовоқларга анграйиб қолишганди. Улар зудлик билан ўзларига бош-қош профессорга хабар беришди. Орадан кўп ўтмай, профессор бошчилигидаги талабалар топилдиқлар ғорига етиб келишди. Бироқ, минг афсуски, ғордаги хазина ичидан олтин буюмлар топилмади. Йиғилганлар, тайинган, қочоқ талабалардан шубҳалана бошлашди. Ҳатто улар устидан жиноий иш кўзғатилди. Айни кунда бечора талабалар конспект ўрнига тахлам-тахлам тушунтириш хати ёзиш билан овора.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Бу йилги иқтисодиёт соҳасидаги Нобель мукофотини кимлар қўлга киритганидан хабарингиз борми? Бу нуфузли соврин америкалик олимлар — Роберт Мертон ва Майрон Шолзга насиб этди. Улар қимматбаҳо қоғозлар қийматини аниқлаш бўйича янги усул яратишганди. Швеция қироллиги академиясининг вакили ўз нутқида бу олимлар яратган усул мутлақо янгилик эканлигини, ушбу усул билан жамиятдаги хавфли иқтисодий таваккалчиликларнинг олдини олишда жуда қўл келишини қайта-қайта таъкидлади. Энг қизиғи шундаки, Роберт Мертон ҳам, Майрон Шолз ҳам ўз мутахассисликларига кўра иқтисодчи эмас. Улардан бири архитектор, бири эса бор-йўғи... мусиқашунос...

МАҚТАНИШГА ҲАЛИ ЭРТА

Биз илму фаннинг беқиёс равнақ топганини, инсонлар учун табиат сиру синоатлари камдан кам қолганини айтиб мақтанишни хуш кўрамиз. Бироқ биолог олимлар яқиндагина кашф этган яна бир «сиру синоат» ҳали мақтанишга эртароқ эканлигига далолат қилмоқда. Уларнинг кузатишлари, ҳисоб-китобича шу пайтга қадар ўсимликлар дунёси бор-йўғи қирқ фоизгина ўрганилган экан, холос.

ana shunaqa gaplar

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасининг собиқ бошлиғи, халқ таълими фахрийси

Сулаймон ҚАРШИЕВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими, 70-мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси

Саъдулла СУЛТОНОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Дилбар ХУЖАЕВА,
Луқмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0749. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6